

**ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ**
4 ЖИЛД, 1 СОН,

**ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ**
ТОМ 4, НОМЕР 1

**JOURNAL OF
SOCIAL STUDIES**
VOLUME 4, ISSUE 1



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Сеитов Азамат Пулатович
доктор социологических наук
(Doctor of sociology DSc)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Сабирова Умида Фархадовна
кандидат социологических наук
(Candidate of sociology PhD)

Ижтимоий тадқиқотлар журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
International Editorial Board of the Journal of Social Studies
Международный редакционный совет журнала Социальные исследования

22.00.01-Социология назарияси, методологияси ва тарихи. Социологик тадқиқотлар усуллари.
Теория, методология и история социологии. Методы социологических исследований.
Theory, methodology and history of sociology. Methods of sociological research.

Бекмурадов Мансур Бобомурадович
доктор социологических наук, профессор
Каланов Комил Куллахматович
кандидат социологических наук, профессор
Убайдуллаева Раиса Турсуновна
доктор социологических наук, доцент

Щепилова Галина Германовна
доктор философских наук, профессор,
Московский государственный университет
им. М.В. Ломоносова (РФ)
Рожанский Михаил Яковлевич
директор центра независимых социологических
исследований (РФ)

22.00.02-Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи.
Социальные структуры, социальные институты и образ жизни.
Social structures, social institutions and way of life

Умаров Абсалом Адилевич
доктор социологических наук, профессор
Холбеков Абдуғани Жуманазарович
доктор социологических наук, профессор
Шайхисламов Рафазель Бадретдинович
доктор социологических наук, профессор,
Башкирский государственный университет
Сабиров Алишер Сабирович
кандидат социологических наук, доцент

Antonio Alonso Marcos
Ph.D, on International Relations (Испания)
Фадеева Любовь Александровна
доктор социологических наук, профессор
Пермский государственный национальный
исследовательский университет (РФ)
Виктор Агаджаньян
профессор социологии университета
Аризона США

22.00.03-Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси.
Социология социального сознания и социального процесса.
Sociology of social consciousness and social process

Ганиева Маърифат Хабибовна
доктор социологических наук, профессор
Аликариев Нуриддин Сапаркариевич
доктор экономических наук, профессор
Матибаев Тасполат Балтабаевич
доктор социологических наук, профессор
Stephan E. Nikolov
PhD, Senior Research Fellow,
Institute of Sociology, Sofia
Пармонов Фарход Ярашевич
кандидат социологических наук, доцент

Ли Ци
доктор исторических наук, профессор
Шэньсинского Педагогического Университета
(КНР).
Сухомлинова Марина Валерьяновна
доктор социологических наук, профессор
Мичуринского государственного аграрного
университета. (ФГБОУ ВО "МГАУ")
Бурнашев Рустам Ренатович
кандидат философских наук, профессор,
Казахстанско-немецкий университет

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1. Каланов Комил “МУҚАДДАСЛИК” КАТЕГОРИЯСИ ВА УНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ.....	4
2. Убайдуллаева Раиса СОЦИОЛОГИЯ В XXI ВЕКЕ: ПРОБЛЕМЫ И ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ.....	17
3. Сейтов Азамат, Сабирова Умида СОЦИАЛИЗАЦИЯ СЕМЕЙ В СОВРЕМЕННЫЙ ПЕРИОД РАЗВИТИЯ МАХАЛЛЕЙ УЗБЕКИСТАНА.....	27
4. Аликариева Аълохон СОЦИАЛЬНЫЕ ФАКТОРЫ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ПОДГОТОВКИ КАДРОВ ВЫСШЕЙ КВАЛИФИКАЦИИ.....	35
5. Каримов Бобир МЕҲР – МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ.....	47
6. Мадаминов Баходир ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИДА ОММАВИЙ СПОРТНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ.....	55
7. Имомова Нозимахон ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЧИ КУЧИ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖАРАЁНЛАРИ.....	63
8. Мирзахмедов Хуршид ЁШЛАР ҲАЁТИДА НИЗОЛАРНИНГ СОЦИАЛ ОҚИБАТЛАРИ.....	73
9. Узакова Зарина ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ТРАНСФОРМАЦИИ ТЕРМИНА ИНВАЛИДНОСТЬ И МОЛОДЕЖНОГО ВОЗРАСТА.....	81
10. Эрйигитова Лобар А.ҚОДИРИЙ АСАРЛАРИДА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ ВА ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИ ТАЛҚИНИ (“ЎТКАН КУНЛАР” АСАРИ МИСОЛИДА).....	89
11. Мўминов Зокиржон ТАЪЛИМНИНГ ИЖТИМОИЙ АСОСИ ҲАМДА УНИНГ СОЦИОЛОГИК ВА ПЕДАГОГИК ТУЗИЛМАСИ.....	99
12. Амиров Азамат ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАҲЛАРДА “ТАРИХ ФАЛСАФАСИ”ГА БЎЛГАН УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАР.....	108

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Бобир Каримов Шаропович,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси доценти, соц.ф.н.
e-mail: bkarimov73@umail.uz

МЕХР – МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

For citation: Karimov Bobir, Kindness factor of success. Journal of Social Studies. 2021, vol. 4, issue 1, pp. 47-54

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-1-5>

АННОТАЦИЯ

Мақолада меҳр тушунчаси кучли томон сифатида назарий ва амалий таҳлил қилинган. Маълумки, шахнинг дастлабки ижтимоийлашув жараёни она ва фарзанд муносабатлари доирасида кечади. Бунда фарзанднинг она меҳридан қониқиши инсонда бахтиёрлик ва хотиржамлик каби туйғуларни шакллантиради. Кейинчалик, инсон меҳрни жамиятдан ҳам кидиради. Инсондаги меҳрга бўлган доимий эҳтиёждан ижтимоий муносабатлар жараёнида жамиятнинг социомаданий даражасини ошириш учун янада самарали фойдаланиш мумкин. Бу бир вақтнинг ўзида шахс учун ҳам, жамият учун ҳам ижобий аҳамият касб этади.

Мақолада жамиятимизда ижтимоий муносабатларни меҳр асосида шакллантириш, меҳр жамиятини вужудга келтириш, шахнинг социал мавқеи ва мақомини ошириш имкониятларини кенгайтириш ҳақида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: меҳр, меҳрлилик, фаоллик, меҳрсизлик, муносабатлар, кучли томон.

Каримов Бобир Шаропович,
Доцент Академии государственного управления при
Президенте Республики Узбекистан, к.соц.н.
e-mail: bkarimov73@umail.uz

ДОБРОТА – ФАКТОР УСПЕХА

АННОТАЦИЯ

В статье представлен теоретический и практический анализ концепции доброты как неотъемлемой части общественных отношений. Известно, что первоначальный процесс социализации личности происходит в рамках отношений матери и ребенка. В то же время удовлетворение ребенка любовью матери создает в человеке чувство счастья и покоя. Позднее человек ищет доброты и в обществе. Постоянная потребность в доброте к человеку может более эффективно использоваться в процессе общественных отношений для поднятия социокультурного уровня общества. Это оказывает положительное влияние как на человека, так и на сообщество одновременно.

Статья посвящена формированию социальных отношений в нашем обществе на основе доброты, созданию любящего общества, расширению возможностей повышения социального статуса и статуса личности.

Ключевые слова: доброта, проявление доброты, активность, отношения, сильная сторона.

Karimov Bobir Sharopovich,
Associate professor at the Academy
of Public Administration under
President of the Republic of Uzbekistan, Ph.D.
e-mail: bkarimov73@umail.uz

KINDNESS – FACTOR OF SUCCESS

ANNOTATION

The article presents a theoretical and practical analysis of the concept of kindness as an integral part of social relations. It is known that the initial process of personality socialization occurs within the framework of relations between mother and child. At the same time, a child's satisfaction with the mother's love creates a feeling of happiness and peace in a person. Later, a person seeks kindness in society. The constant need for kindness to a person can be more effectively used in the process of social relations to raise the socio-cultural level of society. This has a positive effect on both the individual and the community at the same time.

The article is devoted to the formation of social relations in our society on the basis of kindness, the creation of a loving society, the expansion of opportunities to increase social status and personality status, to overcome the various negative consequences of exclusion, as well as the impact of globalization.

Keywords: kindness, manifestation of kindness, activity, relationships, strong point.

Хаётда кўп муваффақиятга эришган инсонлар юқори мартабаларни эгаллаб, шахсий хаётларини тўғри ташкил этишда ўзларининг қобилиятлари ва кучли томонларига таянадилар. Бундай инсонлар истеъдодларини тан олишни ва ривожлантиришни, ўзларига мос келадиган ролларни ва ўз иқтидор ҳамда имкониятларини ишга солиш, хаётда қўллаш усулларини биладилар. Аксинча, ривожлантиришдан кўра, уларни назорат остига олиш эса заиф инсонларга хосдир. Хўш, шахсни бундай кучли қилиб шакллантиришда қайси омиллар муҳим рол ўйнайди?

Меҳр билан вояга етган шахс кучлими ёки ожиз? Биринчи навбатда, ҳақиқатдан ҳам кучли шахслар хато қилса, кечирим сўрайди, одамлардан ёрдам сўраб мурожаат қилади, ҳаммага бирдай самимий муносабатда бўлишга ҳаракат қилишга интилади. Лекин, инсонлар буни кўпинча ожизлик, деб талқин қилади. Масалан, таниқли ҳинд инқилобчиси Махатма Ганди “Ожизлар кечирини билишмайди. Кечира олиш – кучлиларга хос фазилят. Кечиримлилик – рухий камолот белгиси”, [1, - Б. 4] деб айтади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 13 октябрь куни сирдарёлик фаоллар, сув тошқинидан жабрланган одамлар билан учрашувида “Менга энг катта куч, қувонч бергани одамларнинг кайфияти бўлди”, деган эдилар [2, - Б. 1]. Профессор М.Бекмуродов “Ўзбекистон тазйиқ ўтказувчи кучни, қаҳрни эмас, меҳрни ҳурмат қилувчи мамлакатдир. Ҳаракатлар стратегиясининг асосий назарий асоси меҳрни, тинчликни ва ҳамкорликни давлатнинг устувор сиёсати деб англашда намоён бўлади”, деб ёзади [3, - Б. 195]. Одамларни кучли ва кучсизларга ажратиш ўринсиз кўриниши мумкин. Ахир, баҳолашнинг аниқ мезонини белгилаш имконсиз. Бироқ, тахмин қилиш мумкинки, кучсиз одам – бахтли бўлиш қўлидан келмайдиган одам. У кўркувга тўла, масъулиятдан қочади ва ўтмиш хатолари билан яшайди. Бу кучлиларга хос эмас. Кучлилар фақат бир нарсани истайди – ўзи ва яқинлари учун хаётни бахтга тўлдириш. Бундай фикр эса хаётга реал қараш, атрофидаги нарсалар, воқеа ҳодисаларни турли рангларда тасаввур этиш, уларга нисбатан муносабатни ижобий, позитив энергияга тўла, кўтаринки руҳият билан муносабат билдиришни тақозо этади.

Кучсиз яъни, ожиз шахс қодир бўлмаган бир неча жиҳатни келтириш мумкин. Яъни, улар кам ҳолатларда кечирим сўрайди, ёрдам сўраб бирор кишига мурожаат қилиши амри маҳол, самимий бўлиш кераклиги улар учун шарт эмас. Бу икки гуруҳнинг умумий жиҳатлари кам, бироқ тафовутлар талайгина.

Узр сўраш. Кечирим сўраш – ноқулай. Буни бажариш учун ўзимизнинг ноҳақ эканимизни тан олишга тўғри келади. Бу эса нафсониятимизга тегади. Бироқ, ўзини енгиб, кечирим сўрашга муваффақ бўлганлар хотиржамлик ва руҳият қувватига эга бўлишади. Бунинг сабаби шундаки, одам етказаетган оғриқ исиз йўқолмайди. Бу ҳар иккала томон учун ҳам тўғри. Узр сўраш бизни бошқалар назарида “инсон” га айлантиради. Буюк аллома Жалолиддин Румий айтганидек: “Фақат юракдагина энг баланд самовий юксакликка кўтарилиш мумкин”.

Ёрдам сўраш. Ёрдам сўраш ҳам узр сўраш каби мушкул бўлиб, вазиятлар бир-бирига боғлиқ. Илтимос кишини муаммони қандай ҳал қилишни ўзи билмаслигини тан олишга мажбур қилади. Бироқ, агар нотўғри йўл тутган бўлсак, бизни йўналтира оладиган кишилардан ёрдам сўрашимиз лозим. Бу масала билан кимга мурожаат қилишни билиш керак. Агар, фойдали маслаҳат олишни истасангиз, ишнинг устасига юзланинг. Аксинча, шубҳалар хавотирга солаётган бўлса, ҳикоянгизни тинглайдиган яқин бир кишига айтинг. Балки, биргаликда ечим топарсиз.

Оптимистлик. Самимий табассумли кишиларни замонамизда кўп учратмаймиз. Лекин, ҳаётда оптимист инсонлар кўп муваффақиятга эга бўлишади. Бундай характер ҳаммада ҳам мавжуд эмас. Оптимистлар жисмонан соғлом, кучли ва бошқаларга ҳам позитив энергия бера олишади. Оптимистик руҳ – осонлик билан берилмайди. Шунинг учун ҳам, ҳаётга бундай қараш фақат кучли кишилардагина бўлади. Кучли кишининг кучсиз одамдан асосий фарқи – умид ҳисси кучлиларда доим мавжуд. Уларнинг сири яхши кайфият тиргагида ўзини ҳимоялай олади. Бундай тиргакка эга бўлиш учун ўзингизга “Мени нима бахтли қилади?” қабалидаги савол беринг. Албатта, оптимист бўлиш инсонни бахтли қилади, пессимистлик эса ҳароб қилиши ҳам мумкин.

Самимийлик. Одамлар самимий бўлишга интиладилар, аммо улар орасида ундайлар жуда озчилик. Улар ўз кўрқувлари, хавотирларини ўзгалар билан ўртоқлашишга ҳаракат қилишади. Барча сирларини ўзгаларга ошкор қилиш шарт эмас. Атрофингиздаги кишилар сиз ҳақингизда қанча кам маълумотга эга бўлишса, сиздаги куч шунча асралади. Дастлаб, ўзингиз хавотирларингиз сабабларини тан олинг ва бундай хавотирлар ҳаммада ҳам мавжуд. (масалан, эртаги ҳаётимга кимлар кириб келади, қандай воқеалар юз бериши мумкин ва бошқа) Ана ундан кейин, уларни кимлар билан ўртоқлашишни ўйлаб кўринг. Агар, ўз вақтида самимий бўлсак, жуда кўп муаммоларни, олдимиздаги тўсиқларни бартараф этишимиз мумкин.

Эркинлик ва масъулият. Фақат кучли кишиларгина эркин бўла олади. Чунки, эркинлик интизом ва мажбуриятни назарда тутати. Агар, эркин бўлишни истасангиз, қайси мажбуриятларга амал қилишингиз, тамойил, қадриятларингиз нимадан иборат эканини аниқлаб олинг. Кучсиз кишилар бундай қилишмайди ва дунёнинг таъсирига бўйсунушади. Улардан олиб қўйилган нарсани “эркинлик”, деб атайдилар. Бошқача қилиб айтганда, эркин бўлиш учун ўз қадриятларингизга бўйсунушингиз лозим.

Юқорида санаб ўтилган хусусият ва ҳаракатлар учун умумий жиҳат – уларни кўлга киритиш ва мукамаллаштириш кўп ҳаракат талаб этмаслигидадир. Узр сўраш учун худбинликни енгил, оптимистликни сақлаш учун эса – ташқи таъсирларга қарши тура олиш. Эркин бўлиш учун – ўз эътиқодига содиқ қолиш лозим.

Бу ҳаётда барча қимматли нарсалар ўз-ўзидан келмаслигини англатади. Бунинг учун курашиш ва бирор нарсани қурбон этиш талаб қилинади. Бироқ, ўз устингизда ишлашга тайёр бўлсангиз, натижа сизни узоқ куттирмайди.

КУЧЛИ ТОМОН: МАНФААТ ВА МЕҲРИБОНЛИК ТАСНИФИ

Донолик ва билим

Дунёга қизиқиш ва меҳр (ҳар хил нарсаларга қизиқиш) Ўқишга бўлган муҳаббат (ўзлари учун билимларни ошириш учун) Кенг дунёқараш, донолик (умумий картинани кўриш, доно деб ҳисобланг)	Ижодкорлик, яратувчанлик, зукколик, ўзига хослик (бирор нарса қилишнинг янги усулларини топиш қобилияти, ақл-идрок) Холислик, танқидий фикрлаш (оқилона ўйлаш, тўғри қарор чиқаришга қодир бўлиш)
Мардлик	
Жасур, кўркмас (қаршилиқ кўрсатиш, кўркувни енгиш) Қатъийлик, қатъиятлилик, меҳнатсеварлик (бошлаган ишни тугатиш, чалғимаслик)	Мақсадга йўналганлик, садоқат, ҳалоллик(ваъдага вафо, самимий ва очиқ бўлиш) Жонкуяр, ғайратли (ҳаётда тўла-тўқис яшаш, куч-ғайратга эга бўлиш)
Муҳаббат ва инсонпарварлик	
Севиш ва севилиш (қадрлаш ва яқин севиш муносабатлари) меҳр, саҳийлик (бошқаларга ёрдам бериш, раҳм-шафқат кўрсатиш, ғамхўрлик қилиш)	Ижтимоий интеллект, шахсий интеллект, ҳиссий интеллект (одамлар нимани ҳис қилишларини тушуниш, ўзларининг ҳис-туйғуларига жавоб бериш, бошқалар билан ўзларини қулай ҳис қилиш)
Адолатлилик	
Фуқаролик позицияси, жамоавий руҳ, содиқлик (гуруҳда яхши ишлаш) Етакчилик сифатлари (бошқаларни ташкил қилиш ва рағбатлантириш)	Ростгўйлик, холислик (одамларга тенг муносабатда бўлиш, нуқсонлари туфайли одамларни камситманг)
Мўтадиллик	
Ўз-ўзини назорат қилиш, ўзини ўзи йўналтириш (ҳиссиётларни бошқариш, интизом) Эзгулик, эҳтиёткорлик (хавфдан сақланиш, эҳтиёткорлик)	Камтаринлик, жиддийлик (қоинотдаги ўрнингизни англаш) Кечирим, раҳм-шафқат (муносабат ва ҳатти-ҳаракатларни кечириб ва унутиш)
Трансцендентал	
Гўзаллик ва мукамалликни қадрлаш қобилияти (уларни яратиш ва / ёки илҳом бериш, юксалиш) Маънавият, маъно ва моҳиятни англаш(ҳаётга бўлган ишонч, эътиқод, юксак эътиқод ҳақида изчил ғояларни ривожлантириш)	Умид, некбинлик, келажакка йўналганлик (стаканнинг ярми тўла деб ҳисоблаш, келажак учун режалар тузиш) Миннатдорчилик (одамларга миннатдорчилик билдириш учун, ўзингизни бахтли деб билинг) Ҳазил, қувноқлик (кулги ва табассумга сабаб бўлинг, иш билан шуғулланинг)

Инсоннинг ҳаётда ўзини тутиши ва жамият аъзолари билан муносабатида муваффақиятларга эришиши асосида бевосита меҳр кўрганлик даражаси ҳам ётади. Кўпинча ҳаётда юқори мақсадлар қўйган одамлар кўп муваффақиятларга эришганлар, кам муваффақиятга эришганлар эса ўз олдида камтарона мақсадлар қўйишган, деб тахмин қилинади. Аммо, кузатишлар шуни кўрсатадики, муваффақиятли одамлар ўзларининг қобилиятларини билишади ва мақсадларини ўз даражаларидан биров юқорироқ қўйишади, кам муваффақиятга эга бўлган одамлар эса, кўпинча, ўзларининг имкониятларини билишмайди ва ўзларига ҳақиқий бўлмаган мақсадлар қўйишади.

Меҳр муносабатларини ўрганиш бўйича ўтказилган сўровда иштирок этганларнинг 94 фоизи “Одамлар бир-бирларига меҳрибон бўлиши жуда муҳим” деб ҳисоблашган. Уларнинг 80 фоизи ўзларини меҳрибон инсон сифатида кўришни хошлашларини айтишган ва

сўралганларнинг 82 фоизи ҳар ҳафта камида бир маротаба меҳрибонлик кўрсатганликларини айтишган [4, - Б. 6].




Инсон меҳрсиз тўлақонли, ёрқин, тўла-тўқис ҳаёт кечира олмайди. Бахтли яшаётган одамлар яхши кўрган нарсалари тўғрисида кўпроқ гапирадилар. Шу билан ҳаёт фаровонликларига чексиз йўл очадилар.

Меҳр шахснинг жамиятда муваффақиятли юришини таъминлайди. У инсонга:

- ҳаёт ва унинг истиқболлари тўғрисида яхлит тасаввурини ривожлантириш;
- некбинликка (яхшилик, эзгуликни кўра олиш) сабаб бўладиган омиллар билан ишлаш;
- фаолият йўналишларини тўғри эгаллаш;
- ўзига ишончни ривожлантириш;
- яшовчанлик ҳиссини яратиш;
- амалий фаолиятга туртки;
- мақсадларига эришишга ёрдам беради.

“Биз меҳримизми” [5, - Б. 2] мавзусида ўтказилган ижтимоий сўровда 185 нафар респондентлардан қуйидача жавоблар олинди:



Сўровда иштирок этганларнинг 57 фоизи фарзандимга меҳр беришда “Етарлича вақт ажрата олмаганимдан”, деган жавобни белгилашган. Маълумки, ўз вақтида кўрсатилмаган меҳр жамиятда турли салбий оқибатларни келиб чиқаради. Айниқса она меҳрига зорлик

келажакда ижтимоий маданий муносабатларга ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. Респондентларнинг 30 фоизи “Характерим туфайли” фарзандларимга етарлича меҳр беролмаяпман, деб берган жавоблари бугунги кунда шахсга индивидуал ёндашувни, уларнинг ижтимоийлашуви ҳамда ижтимоий жараёнларга мослашишига кўмак бериш бўйича социологиква психологик ишларни тўғри ташкил этишни тақозо этади. “Бунга атрофдагилар имкон беришмайди”, деган жавоб 7 фоизни ташкил этмоқда. Бу шахслараро муносабатларнинг оғир кечиши, жамият аъзоларининг мунтазам равишда муайян тўсиқларга дуч келаётганлиги билан характерланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатаяптики, ёш гўдак яшаши учун ота-онанинг кунига ҳеч бўлмаганда уч-тўрт маротаба кучоқлаб, бағирга босиш ва меҳр кўрсатилишига муҳтож бўлар экан. Бундай имкониятдан маҳрум болалар эса бахтиёрликни тўлақонли ҳис этмас экан. Ўсиб улғайиши ва яхши ривожланиши учун кунига ўн-ўн икки марта бағирга босиб, меҳр кўрсатиш керак экан. Иқтидор эгаси бўлиши учун эса болани кунда йигирма марта бағирга босиш, яъни тўлиқ қамраб олиш, эътибор кўрсатиш керак бўлади. Бунда бола шахси жамиятда ўзини эркин ҳис қилиши, орзу, хоҳишларини тўлақонли рўёбга чиқара олиш имкониятига эга бўлар экан.

Меҳрлилик кадр-қиммат, обрў ва фазилатлар билан бевосита боғлиқ. Шахс ўзининг кучли томонини англаши бошқалардан фарқли томонларини кўриб билишига кўмаклашади. Меҳр кўрган инсоннинг кучли томонлари характер хусусиятлари ўхшаш, аммо атроф-муҳит омиллари уларга таъсир қилиши мумкин.

Биз инсонларга меҳр бериб, биринчидан, одамнинг кадр-қиммати ўзини ва атрофидаги одамларнинг кўринишини, тўғри ҳаёт кечираётганини англашга ҳисса қўшамиз. Иккинчидан, ушбу афзалликнинг мавжудлиги ижобий натижаларга олиб келадими ёки йўқлигидан қатъий назар, у маънавий аҳамиятга эга. Учинчидан, ўзимизнинг фазилатларимизни намойиш қилиб, бошқаларни камситмаймиз, аксинча, бундай кўринишлар уларга фойдали бўлиши мумкин. Бу ҳасадга эмас, балки ҳайратга сабаб бўлади. Тўртинчидан, меҳр кўрган кучли инсон ҳеч қачон қаршилик қилмайди, балки йўналтиради. Бу ҳам ижобий натижа ҳисобланади. Бешинчидан, инсонда кучли бўлган нарсалар унинг ҳатти-ҳаракатларида, фикрларида, ҳис-туйғуларида ва тасаввурларида намоён бўлади. Бу турли вазиятлар ва вақтларга нисбатан қўлланилади.

Меҳрнинг бир қатор фазилатлар билан алоқадорлигини кўришимиз мумкин:

- инсонпарварлик – инсонни энг олий кадрият сифатида эъзозлаш, меҳр орқали боғланиш;
- донолик - бу фазилат билимларни эгаллаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ томонларни бирлаштиради;
- жасорат - ташқи ёки ички қаршилик шароитида мақсадга эришиш иродасини намоён этиш билан боғлиқ бўлган инсоний фазилатлар ва ҳ.к.

Меҳрлилик ҳар қандай фаолият соҳасида изчил юқори даражада натижаларни намойиш этиш имкониятидир. Бизнинг кучли томонларимизда истеъдодлар туради. Талант - бу турли соҳаларда қўлланилиши мумкин бўлган фикрлар, ҳис-туйғулар ёки ҳатти-ҳаракатларнинг табиий равишда пайдо бўлган моделидир.

Агар истеъдодларни олмосларга ўхшатсак, меҳр кўрган инсонни ишлов берилган олмосга ўхшатиш мумкин. Меҳрлилик билим ва кўникмалар ёрдамида истеъдодимизни жилолантирганимизда янада сайқал топади. Инсон меҳрининг тўлиқ намоён бўлиши ишлаб чиқарилган маҳсулотларга, ажойиб хунармандлик намуналарига айланади. Биз ўз меҳримизни намоён қилишимиз маълум принципларга асосланади. Жумладан, меҳрнинг намоён бўлиши:

- инсонни тушуниш;
- инсонни кадрлаш ва шахсий жавобгарликни ўз зиммасига олиш;
- ўз ҳаётий мақсадларимизни англаш;
- ҳаётни осонлаштирадиган ғамхўр муносабатларни ўрнатиш;
- ўтмишдаги муваффақиятларга ёпишмаслик;
- қобилиятларни ишга солиш ва кучли томонларни қўллаш;

• бошқаларда меҳр нимани англатишини тушуниш. Бу уларни яхшироқ тушунишга ёрдам беради.



Меҳрнинг шахс ижтимоий фаолиятига таъсири кенгроқ кўриб чиқамиз:

- мослашувчанлик – атроф-муҳит талабларига қараб ўзгариши;
- аналитик фикрлаш – сабаб ва оқибатларни тушуниш;
- иймон – чуқур илдиз отган қадриятлар, ғояларнинг мавжудлиги, ҳаётнинг маъносини излаш;
- тасаввур – ижодкорлик, ўзига хослик, янги ғоялар ва тушунчалар;
- уйғунлик – қарама-қаршиликлардан қочиб, умумий тил топиш;
- интизом – тартиб ва тузилишга мослашиш;
- индивидуаллашув– бошқа одамларни шахс сифатида қабул қилиш ва уларнинг истеъдодларини тан олиш, фарқларга эътибор;
- ақл-идрок – кўп йўналишларда фикр юритиш қобилияти;
- ахборот – билимларни фаол эгаллаш, қизиқувчанлик;
- тузатиш – муаммоларни тан олиш ва уларни ҳал қилиш қобилияти;
- мулоқот – тушунтириш, баён қилиш, яхши гапириш қобилияти;
- рақобат – тиришқоқлик, муваффақиятга эришиш, ғалаба қозониш истаги, бошқалар билан таққослаш;
- келажакка йўналтириш – келажакка эътибор қаратиш, имкониятларни кўриш қобилияти, бошқаларнинг ҳаракатларига интилиш;
- масъулият – ишонишингиз мумкин бўлган мажбуриятлар;
- алоқалар – одамлар билан яқин муносабатларни ўрнатиш;
- ижобийлик – иштиёқ, некбинлик, кўзғалиш, бошқаларни рағбатлантириш;
- уйғунлик – тенг муносабат, адолат, яхшилик ва ёмонлик ҳақида қайғуриш;
- ривожланиш – бошқаларнинг имкониятлари қараш ва уларни ривожланишига кўмаклашиш;
- адолатлилик – тўғри қарор қабул қилиш;
- етақчилик – можаролар ва инқирозларни бартараф қила олиш ҳамда жавобгарлик қобилияти;
- ўз-ўзини тасдиқлаш – ўзига ишонч, фикрлаш мустақиллиги;
- уланиш – ғоялар ёки ҳодисаларнинг мазмунли яхлитликка бирлашиши;
- эмпатия – бошқаларни тушуниш, қўллаб-қувватловчи муносабатларни ўрнатиш.
- интуиция – воқеа, ҳодисаларнинг ички моҳиятини англаш қобилияти.

Меҳр кўрган, муваффақиятга эришган одамлар ҳар доим ўзларининг қобилиятлари ҳақида тасаввурга эга ва шунинг учун ўз имкониятларидан юқори мақсадлар қўядилар. Оддий одамлар эса ўзларининг қобилиятлари манбаларига эга бўлмаган ҳолда, улар эриша олмайдиган жуда юқори мақсадларни қўядилар.

Инсоннинг меҳрибон бўла туриб меҳрини бераолмаслиги ҳам жамиятда кўплаб ижтимоий муаммоларнинг тўпланиб қолганлигидан далолат беради. Камдан кам ҳолларда одамлар ўзларининг меҳрибонликлари ҳақида очикчасига гапиришади. Кўпчилик эса шунчаки унинг ҳаётда қанчалик муҳимлигини билишмайди ёки англашмайди.

Меҳрлиликнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, у катта мақсад ёки вазифаларни талаб этмайди. Ҳатто биргина эътибор ёки эътироф баъзида инсонни мақсадга эришишига, муваффақиятга ундайди. Шахснинг имкониятларидан юқори бўлган мақсадлар уни янада самаралироқ ишлашга йўналтиради. Бунга ҳар доим машаққатли меҳнат орқали эришилади. Жуда юқори мақсадлар қўйиш эса баъзида аксинча, ишончни йўқотишга олиб келиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, меҳрлилик, ўзининг кучли сифат ҳамда фазилатларни билиш ва уларни ривожлантириш инсоннинг келажакдаги истиқболлари ҳақида яхлит тасаввурни шакллантиради. Инсон изланувчан, унга бекиёс позитив энергия яширинган, агар у ўзидаги меҳрни ҳаётга фаолиятининг марказига қўйса, нафақат ўзига, балки ижтимоий муҳитга ҳам ижобий таъсир кўрсата олади. Ишонч, қувват, чидамлилик, ғайрат, ижрочиликни ривожлантиради, мақсадга эришишга ёрдам беради.

Ҳозиргача фанда меҳр тушунчаси бўйича ягона умумлаштирувчи назария мавжуд эмас. Бироқ одамларнинг хулқ-атворини тавсифловчи ва изоҳловчи вазиятлар ишлаб чиқилган. Бу борада методологик ёндашувнинг асосини аниқлашга уринишдан аввал ижтимоий фанларда тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш зарур. Айнан, меҳр муаммосига турли хил ёндашувларнинг мавжудлигидегисишли фанларда ва илмий ёндашувларда параллел равишда мазкур муаммони ўрганишни тақозо қилади.

Ижтимоий муносабатлар тараққиёти учун энг мақбули соғлом хулқни, шунингдек, меҳрга ижтимоий вазиятдан келиб чиқадиган муносабатни ўрганиш ҳисобланади. Мазкур ёндашув нуқтаи назардан энг долзарб бўлиб турмуш шароитлари, инсоннинг макро ва микро ижтимоий қуршови қай тарзда унинг хулқига таъсир қилиши, қайси турмуш услублари индивидуал бўлиб, қайсилари муайян ижтимоий гуруҳга хослигини ўрганиш ҳисобланади.

Сноски / Iqtiboslar / References

1. Маҳатма Ганди. Ҳикматлар. Абдулатиф Абдуллаев таржимаси. <http://kh-davron.uz/yangiliklar/muborak-kin/mahatma-gandi-hikmatlari.html>.
2. Мирзиёев Ш.М. <https://yuz.uz/news/shavkat-mirziyoev-menga-eng-katta-kuch-quvonch-bergani-odamlarning-kayfiyati-boldi>.
3. Бекмуродов М. Замонавий бошқарув социологияси. –Т.: “YOSHLAR NASHRIYOT UYI”, 2020. 195-бет.
4. Каримов Б.Ш. “Биз меҳрлигимизми?” мавзусида ўтказилган социологик сўров таҳлили. 2020 йил 20-24 август кунлари “ОИЛА ВА ҲАЁТ” ҳамда “Mehr ulashing” Телеграм каналлари орқали ўтказилган ижтимоий сўров. Жами 2076 нафар респондент.
5. Каримов Б.Ш. “Биз меҳрлигимизми?” мавзусида ўтказилган социологик сўров таҳлили. Бухоро вилоятида ўтказилган ижтимоий сўров, 2020 йил, январь.

**ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ**
4 ЖИЛД, 1 СОН,

**ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ**
ТОМ 4, НОМЕР 1

**JOURNAL OF
SOCIAL STUDIES**
VOLUME 4, ISSUE 1

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000